



ҲАЗИЛ НУТҚИЙ ЖАНРИНИНГ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Рашидова Одина

Андижон давлат университети магистри

Ҳазил бу кўнгил кўтариш учунгина айтилган, лекин жиддий айтилмаган ёки қилинмаган нарса, воқеа-ҳодисадир. Ҳазил турли иборалар ва матн кўринишида намоён бўлиб, унда юмор мавжуд. Унинг якунининг ўзига хослиги шундаки, ҳикоя тугагач кулгули вазият юзага келади. Қисқа қилиб айтганда, ҳазил бу сўзловчи томонидан комик эффект олиш учун яратиладиган нутқий жанр туридир. У ҳар доим тилга ностандарт ва ижодий ёндошиш натижасида ҳосил бўлади. У ҳеч қандай қатъий доиралар билан чекланмасдан, табиий мулоқот давомида пайдо бўлади.

Ҳазил нутқий жанри ҳозирги кунга қадар рус олимлари томонидан рус тили материаллари асосида тадқиқ қилинган бўлса-да¹, инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳазилга оид бой материаллар тўпланиб, алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган.

Турли тизимли тилларда ҳазил нутқий жанри турли халқлар тили ва маданиятига хос хусусиятларни жамлаб, санъат, фольклор ва адабий жанрлар турлари таркибида ўз аксини топиб келади. Ҳазил нутқий жанрининг бу хусусияти бошқа жанрлар таркибида келишлиги билан ҳарактерланади. Ҳазил агар яхши тузилса, тезда оммалашади ва машхурлашади, оғиздан оғизга ўтиши таъминланади. Ҳазил нутқий жанрида тил воситалари орқали яширилган ўзига хос жумбоқлар мавжуд бўлиб, ушбу жумбоқларни топиш ёки тушуниш ҳазил нутқий жанрини реаллаштиради. Демак, ҳазил ортига яширинган жумбоқ тингловчи томонидан тушунилсагина ҳазил нутқий жанрининг перлокуцияси амалга оширилади.

Ҳазил нутқий жанрининг лингвомаданий хусусияти, аввало, ҳазил нутқий жанрининг табиати билан боғлиқ бўлиб, бунда сўзловчи ва тингловчи, улар сўзлашаётган тил муайян миллий маданиятга мансублигини, нутқий одатлари ва хоҳиш истаклари аниқ белгилаб беради. Шундай экан, ҳазил бу муайян жамиятда яшовчи шахснинг маънавий қарашларини, шахсий ижодий фаолиятини, характер хусусиятини яққол намоён этадиган миллий характердаги нутқий жанрдир. Шунини айтиш керакки, тил тизимига тегишли санъат турлари, хусусан, театр ва кино жанрларидаги масҳарабозлик, кизиқчилик каби, фольклор жанрида аския, бадий адабиётда комик асарлар ўзида ҳазил ва кулгу унсурларини сақлайди. Шу сабабли ҳам улар кулгу семаси остида бир синонимик уяни ташкил қиладилар.

Тил тизимида ҳазил ўзига хос кулгуга асосланган мулоқот турини эзага келтиради. Кулгуга асосланган мулоқот бу ўша жамиятдаги бирор номувофиқлик

¹ Жильцова О.Ю. Шутка как малый речевой жанр. ГБОУ ВПО Саратовский ГМУ им. В.И. Разумовского Минздрава России, кафедра русской и классической филологии, 1998; Ю. В. Шурина Шутка как речевой жанр. Дисс. Канд. Наук по фил.1997; А.В. Карасик. Лингвокультурные характеристики английского юмора. дисс. кандидат филологических наук, 2007.



юзага келганлигини англатади ва ўша номувофиклик енгил танқид остига олинади. Демак, бирор воқеа ҳодисада номувофиклик мавжудки, у ҳазил объектига айланмоқда. Бу номувофиклик кулгу шаклида эътироф этилмоқда. Танқид остига олинган номувофиклик енгил танқидий реакция орқали миллий кадрларнинг ҳимояланиши деб баҳоланишга сабабчи бўлади.

Ҳазил кундалик (маиший) мулоқот соҳасида табиий мулоқот жараёнида, нутқ шакли ёки мазмуни жиҳатидан қатъий чегаралар билан чекланмаган ҳолда шаклланади. Ҳазил нутқий жанри мулоқот жараёнини тартибга солувчи чекловларнинг йўқлиги, тилга ностандарт ёндошиш имконияти мавжудлиги билан ўзига хослик касб этади. Ҳазил нутқий жанрида сўзга эркин ёндошиш талаб қилинади.

Ҳазил нутқий жанрида сўзловчи ва тингловчи ўртасида ўзаро алоқани сақлаб қолиш вазифасининг мавжудлиги унинг фатик функциясини кўрсатади. Ҳазил нутқий жанрини муваффақиятли кечиши учун коммуникация иштирокчиларининг тайёргарлик даражаси ҳам эътиборга олинishi зарур. Масалан, сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий мавқеи, иштирокчиларнинг психологик ҳолати, тингловчининг ҳазилни қабул қилиш қобилияти, тингловчининг ҳазил режимида тушуниши кабилар.

Ҳазил нутқий жанрида миллий ҳарактерни ўзида сақловчи тингловчида тушуниш тезлиги бўлиши керак. Ҳазил нутқий жанрида тилга оид мантиқий ва коммуникатив қоидалар мажмуи ўз аксини топганлиги боис тингловчининг топқирлик ва хабардорлик қобилияти юқори бўлишлиги талаб қилинади. Агар тингловчи мантиқий ва коммуникатив қоидаларни тезроқ тушунса ва кулиш орқали реакция берсагина ҳазил нутқий жанрида перлокутив эффект юзага келади. Перлокутив эффект олиш учун эса сўзловчи ҳам тингловчи ҳам ўзи ва суҳбатдоши мансуб муайян маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари, анъаналари, урф – одатлари, нутқий этикет меъёрлари, паралингвистик воситаларини яхши билиш керак бўлади.

Хорижий ҳазилларни тушуниш учун ҳазиллашаётган ва ҳазилни тинглаётган шахс айни ўша хорижий мамлакатда яшаган ва унинг реалиялари билан яхши таниш бўлиши керак, шундагина мазкур мамлакатдаги ҳазилларни тушуна олади ва ҳазиллар ҳақида лингвомаданий шарҳларни бера олади, муайян маданиятдаги нарса ёки ҳодисаларни тасвирлашда лингвоэтник тўсиқларни енга олади. Ҳазилнинг ўлчови қийинлиги сабабли ҳам бегона ҳазилни идрок этиш ва тушунишда мулоқот қилувчиларнинг шахсий хусусиятлари ва мулоқот шароитларининг ижтимоий-маданий хусусиятлари туфайли тушунмовчилик келиб чиқиши табиийдир.

Ҳазил нутқий жанрида ҳазил объекти йўналтирилганлик тамойилида ҳам миллий маданий тавофутлар мавжуд. Баъзи бир халқлар ҳазилда тингловчига тегишли ҳеч қандай унсур кўрмайди, лекин шундай халқлар борки, ҳазилнинг ости зил деб баҳолашади, яъни ҳазил тингловчига йўналтирилган деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам ҳазилнинг кулдириш, завқ бағишлаш мақсадлари билан бир қаторда ҳақорат, камситиш, масҳаралаш, мазаҳлаш маънолари ҳам юзага келиши мумкин.



Демак, ҳазил нутқий жанрини тушуниш муайян маданиятга хос бўлган миллий-маданий унсурларни тушуниш демакдир. Муайян миллатга оид тил ташувчилари лингвомаданий унсурларни ўзида акс эттириши натижасида тилнинг лингвомаданий тизимини шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жильцова О.Ю. Шутка как малый речевой жанр. ГБОУ ВПО Саратовский ГМУ им. В.И. Разумовского Минздрава России, кафедра русской и классической филологии, 1998.
2. Ю. В. Шурина Шутка как речевой жанр. Дисс. Канд. Наук по фил.1997.
3. А.В. Карасик. Лингвокультурные характеристики английского юмора. дисс. кандидат филологических наук, 2007.